

Забидий / ВАҲИЙНИНГ БОШЛАНИШИ КИТОБИ / 2140-ҳадис

2140/7087 – عَنْ سَلَمَةَ بْنِ الْأَكْوَعِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ، أَنَّهُ دَخَلَ عَلَى الْحَجَّاجِ فَقَالَ: يَا ابْنَ الْأَكْوَعِ، ارْتَدَدْتَ عَلَيَّ عَقَبَيْكَ، تَعَرَّيْتَ؟ قَالَ: لَا، وَلَكِنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَذِنَ لِي فِي الْبَدْوِ.

2140.7087. Язид ибн Абу Убайддан ривоят қилинади:

«Салама ибн Акваъ айтдики, у Ҳажжожнинг олдига кирибди. У: «Эй Ибн Акваъ, муртад бўлдингми? Саҳройи бўлиб кетдингми?» дебди. «Йўқ, лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам менга чўлга (чиқиб кетишга) изн берганлар», дебди.

Усмон ибн Аффон қатл қилинган, Салама ибн Акваъ Рабазага чиқиб кетди. У ерда бир аёлга уйланиб, ундан бир неча фарзандли бўлди ва ўлимидан бир неча кун олдин Мадинага келгунича ўша ерда (Рабазада) бўлди».

Манба: hadis.islom.uz

